

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
“КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ”
факультети

“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ”
кафедраси
“Илдизмеваларни сақлаш ва дастлабки ишлов бериш
технологияси” фанидан

КУРС ИШИ

Бажарди:

бу-11 гуруҳи талабаси

М.Умрзақов

Қабул қилди:

А.Мерганов

Наманган - 2014

Мавзу: 30 тоннна қовунни қуритиш.

Режа:

Кириш.

- 1.* Қуритиш учун мўлжаллаган қовун навлари.
- 2.* Қовун етиштириш технологияси.
- 3.* Қовун қуритиш технологияси .
- 4.* Қуритилган қовун маҳсулотини сақлаш.
- 5.* Қовун қуритишнинг иқтисодий самарадорлиги.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш.

Ҳозирги қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган изчил иқтисодий ислохатлар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириши ва шу билан бир пайитда бугунги куннинг энг катта муоммоларидан бири бўлган озиқ овқат хавсизлигининг олдини олиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Сўнги йилларда мева ва сабзавотларни етиштириш уларни сақлаш ва ўз вақтида қайта ишлаш мақсадида бир қатор қонунлар ва фармойишлар қабўл қилинмоқда.

Бунга 2008 йил октябр ойидаги “Пахта экин далаларини қисқартирилиши билан мева-помидорлар ва узумни ривожлантиришга” қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг Қарори Республикамизда ҳар йили аҳоли сонини ўсиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда уларни ўз вақтида озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бу борада Республикамиз Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг 21 январ куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида биз бугун чорвачилик, ғаллачилик, мева ва сабзавотчилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллашга, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонвий суғориш тизимлари ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланишга етарлича эътибор берамаётганлигимизни айтиб, “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги дастур тасдиқланганлиги ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилиши такидланди.

Шунинг учун бугунги куннинг қишлоқ хўжалик мутахассислари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш технологияларини пухта билишлари катта амалий аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини билиш, стандартлаш системаси билан танишиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиясининг ўзлаштирилиши маҳсулот сифатини оширади ва нобудгарчиликни имкони борича камайтиради. Ҳозирги қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган изчил иқтисодий ислохатлар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириши ва бу соҳадаги таъминотни тубдан яхшилаб жаҳон андозаларига тенглаштириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш миқдори ортиб борган сари уларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳам тўғри йўлга қўйилиши керак, бунинг учун эса янги замоний омборхоналар ва қайта ишлаш корхоналари бунёд этилиши, қолаверса, бу борадаги фан-

техника ва илгор технологияларни тадбиқ этиш, хориж тажриба ютуқларини ўрганиб ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Қовун – полиз экинлари ичида энг кенг тарқалган бўлиб, *Cucumis* авлодига мансуб. Бу авлодга 40 га яқин тур кириб, улар ичида маданийлашгани экиладиган қовун (*Cucumis melo* L.) ва бодрингдир (*Cucumis sativus* L.).

А.И. Филов *Cucumis melo* қовун турини 7 та эколого-географик гуруҳга ёки кенжа турга бўлади: шундан маданий қовунлар 3 та – Европа Ўрта Осиё ва кичик Осиё қовунлари; ярим маданий қовунлар 3 та – илонсимон, хитой ва ҳидли қовунлар ва ёввойи битта кенжа тур – бегона ўт ҳолида ўсувчи қовунлар.

Ўзбекистонда экиладиган қовун навлари Ўрта Осиё кенжа турига бўлиб, улар ҳам ўз навбатида 5 хилга бўлинади.

1. Ҳандалаклар.
2. Ёзги эти юмшоқ қовунлар.
3. Ёзги эти қаттиқ қовунлар.
4. Кузги қовунлар.
5. Қишки қовунлар.

1. Қуришиш учун мўлжаллаган қовун навлари.

Ўзбекистонда қовунни 36 та нави районлашган. Булар эртапишар, "Ҳандалак кўкча-14", "Маҳаллий сариқ ҳандалак", эрта - ўртапишар "Асати -3806", "Чогари", "Кўк каллапуш", "Тошлоқи -862", "Роҳат", "Зарчопон Р", ўртапишар "Дахбеди", "Бўрикалла", "Гурвак", "Йирик ичи қизил-1233", "Кўкча-588", "Кўктинни-1087", "Лаззатли", "Байти кўрғон", "Оқ уруғ-1157", "Оби-новвот", "Олтин тепа", "Суюнчи-2", "Шакар-палак -554", "Олтин водий", кечпишар "Бешак", "Зарғолдоқ гулоби", "Қўй бош - 476", "Қора пўчоқ - 3744", "Қора қанд", "Ола ҳамма", "Сайли", "Тўйёна", "Умр бокий - 3748", "Аравакаш - 1219", "Амударё", "Гурлан", "Зар Гулоби", "Тулоби Хоразмий" навларидир.

"**Олтин водий**" - ўртапишар нав, ниҳоллари униб чиққандан кейин 86 - 93 кунда пишади. Қовунни ташқи кўрнишидан "Шакар - палак -554" навига ўхшаш. Қовуннинг ўртача оғирлиги 2,0 - 4,1 килограмм, шакли чўзинчоқ тухумсимон, усти силлиқ, оч яшил рангда, тўқ яшил доғлари бор. Тўри тўлиқ. Пўсти қаттиқ, мағзи оқ рангда. Қанд моддаси 11 - 13%. Ҳосилдорлиги гектарига 22 - 30 тонна. Мевалари узоқ масофага ташишга ўртача чидамли. Ҳамма вилоятларда районлаштирилган.

"Тўйёна" - кечпишар, меваси қишда сақланадиган нав. Ниҳоллари униб чиққанидан кейин меваси 105- 115 кунда етилади. Меваси ташқи кўринишидан "Қўй бош -476" навига ўхшаш. Қовуни йирик, тухумсимон, ўртача катталиқда. Оғирлиги 4 - 6 килограмм, усти текис, узаётганда ранги қўнғир кулранг тусда бўлади, етилтирилгач - сарғиш - қўнғир рангга киради, тўри дағал, тўлиқ таркибида 9-10% қанд бор. Ҳосилдорлиги гектарига 35 - 40 тонна. Уч ойгача меваси сақланади, ташишта чидамли. Ҳамма вилоятларда районлаштирилган.

"Гулоби Хоразмий" - кечпишар, ниҳоллари униб чиққандан меваси етилгунча бўлган давр 112-120 кун. Палаги кучли ўсади.

Меваси йирик, вази 5-10 килограмм, узун цилиндрсимон шаклда, Сирти ғадир - будир, қорамтир - кўкиш, гулсиз. Эти қалин 7-8 сантиметр. Таркибидаги қанд миқдори 14- 15%. Сақланиши жуда яхши, транспортда ташишга чидамли. Ҳосилдорлиги гектарига 50 - 55 тонна. Ун шудринг ва фузариоз сўлиш касалига чидамли.

2. Қовун етиштириш технологияси.

Парваришlash технологияси Ўзбекистоннинг марказий вилоятларида қовун ва тарвузнинг эртаги навларини 15 апрелгача, ўртагисини 20 апрелдан 10 майгача, кечкисини 15 майдан 10 июнгача экиш лозим.

Полиэчиликда ерни экишга тайёрлаш кейинги барча технологик чоратadbирларнинг яхши наф беришини таъмин-ловчи муҳим шартидир. Кузда 35 см чуқурликкача шудгор қилинади. Ерни ҳайдаш олдидаи маъдан ва органик ўғитлар берилади.

Баҳорда тупрокда намни сақлаб қолиш учун дала тишли бороналар билан бороналади, экиш олдидаи эса чизелланади. Полиэ экинлари эрта муддатларда экилганда ерни баҳорда қайта ҳайдашнинг ҳожати йўқ. Экинлар кечки муддатларда экилганда ерни қайта ҳайдаш зарур. Бунда тупрокни ағдармасдаи туриб, 22 см чуқурликда ҳайдаб чиқилади.

Полиэ экинларини ер ҳарорати 14-15°C га етганда экишга киришилади. Қатор оралари 270-280 см.ли кенг эгат олинади. Бундай эгатлар полиэ экинлари қатор ораларини ишлаш вақтида тўрт ғилдиракли тракторларни ишлатишга имкон беради. Экиш шакли $(280+70) \times 70:2$, $(270+90) \times 70:2$ см. Уруғлар 3-6 см чуқурликка экилади. Майда уруғли қовун ва тарвузларни экиш учун гектарига 4 кг. йирик уруғли тарвузларни экиш учун 5-6 кг уруғ сарфланади.

Полиз экинларини парваришlash ўсимликларни яганалаш, тупрокни юмшатиш, экинни озиклантириш, чопиқ қилиш, суғориш, палакларни тўғриlash, бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши курашишни ўз ичига олади.

Яганалаш икки босқичда: биринчиси ўсимлик чинбарг чиқарганда ва биринчи чопиқ вақтида ўтказилади, ниҳоллар ялпи униб чиқиши билан бир қаторда ораларини юмшатишга киришилади.

Ниҳоллар униб чиққач, 20-25 кун ўтказилиб, иккита-учта чинбарг пайдо бўлганидан кейин экин биринчи марта чопиқ қилинади, дастлабки сув берилади, озиклантирилади. Иккинчи чопиқ биринчисидан 25-30 кундан кейин ўтказилади. Ўсув даврида қатор оралари 4-5 марта култивация қилинади.

Қовуннинг ўсув даври мобайнида тупроқ намлигини суғориш олдидан энг кам нам сифимига нисбатан 65-70 фоиз сақлаш талаб қилинади, Экинга 400-500 метр куб /га миқдорида 5-6 марта сув бериб, тупроқнинг шу даражада нам бўлишига эришилади.

Эртапишар навлар тупроқ иқлим шароитига қараб, 1-2 марта кам суғорилади.

Полиз экинларидан гектарига 25 30 т. ҳосил олиш учун гектарига 75 кг. азот, 75 кг. фосфор ва 50 кг. калий, органик ўғитлардан гектарига 30-40 тонна солинади. Йиллик меъёрга нисбатан органик ва калийли ўғитларнинг ҳаммаси, фосфорнинг 70-75 фоизи асосий шудгорга солинади. Фосфорли ўғитнинг қолган 25-30 фоизи ва азотнинг 50 фоизи экиш олдидан берилади. Азотли ўғитнинг 50 фоизи экинлар уч-тўрт барг чиқарганидан кейин эгатларга 10-12 см чуқурликка солинади.

Қовун ва тарвуз ҳосили пишиб етилганларини танлаб-танлаб, уч -беш марта йиғиб олинади. Кечки муддатда экилган кечки навлар эса бир марта йиғиштириб олинади.

1-ж а д в а л.

Полиз экинлари мевасининг биокимёвий таркиби (% хисобида)

Экин тури	Қурук модда	Қурук моддага нисбатан		Хўл моддага нисбатан				
		Пектин моддалар	Клетчатка ва гемицеллюлоза	Лактат канд миклори	Шундан			Крахмал
					Глюкоза	Фруктоза	Сахароза	
Хўраки тарвуз	8,0-13,5	0,8-2,0	1,2-1,5	5,8-11,0	1,6-3,5	2,8-4,8	1,0-5,1	0
Хашаки тарвуз	3,2-5,1	10-20,0	15-20,0	1,2-3,0	0,4-1,8	0,6-1,4	0-1,0	0
Қовун	6,0-18,5	0,8-4,5	2,6-6,7	4,6-15,8	2,0-3,6	0,5-3,6	1.0-11,2	0

Йирик мевали ковок	6,2-26,8	2,6-12,0	—	2,7-13,8	0,2-3,1	0,8-3,5	0,2-9,8	0,5-12,4
Каттик пўстли Ковок	5,6-18,9	4,6-9,3	4,2-22,7	2,0-11,4	0,1-1,0	0,9-2,1	0,5-7,4	0,5-13,0
Мускат Ковок	7,2-20,0	3,3-14,0	8,7-21,2	2,4-9,9	0-1,2	0,5-4,2	1,7-6,8	1,0-8,9

3. Қовун қуритиш технологияси . Қовун асосий полиз маҳсулотларидан бири ҳисобланади. У фақат етилган пайтда истеъмол қилинадиган қийматли бўлиб қолмай, балки қайта ишлангандан кейин ҳам ўзини хуштаъмлигини йўқотмайди. Қовун таркибида глюкоза, фруктоза ва сахароза каби қанд бирикмалари ҳамда кўп миқдорда клетчатка, гемицеллюлоза, пектин ва бошқа моддалар майжуд. Қовун уруғи экишдан ташқари, ундан ёғ олишда, пўстлоғи чорва учун ем сифатида ишлатилади. Ўзбекистон уруғчилик хўжаликларида қовун уруғи олиш учун ҳар йили 15-20 минг тонна маҳсулот сарфланади. Бундай миқдордаги қовунни қайта ишлаш натижасида 1000 тоннадан ортиқ қоқи олиш мумкин. Бу эса хўжаликларнинг қўшимча даромад олишига имкон беради.

Қовунни офтобда, оддий усулда қуритиш учун майдонча, стол, пичок, патнис, ходача, рейка, каноп ип ва зангламайдиган симлар бўлиши зарур. Қуритиш майдончаси атрофи очик, қуёш яхши тушадиган ва серкатнов йўللاردан узоқроқ бўлиши шарт. Қовун қуритиш махсус жиҳозланган илгакларда амалга оширилади. Бунинг учун баландлиги 170 см бўлган диаметри 6х6 см рейкалардан дастгоҳлар ясалади. Бу рейкаларнинг ҳар икки томонига учбурчак асосли кэнглиги бир метр тирговучлар осилади. Учбурчак шаклидаги тирговучлар 2,5 метр оралиғида ўрнатилиб, рейкалар билан мустаҳкамланади. Ҳар икки томонидан 4-5 қатор қилиб, 35-40 см оралиқда сим ёки эшилган каноп тортилади. Бир тонна маҳсулотни қуритиш учун мавсумда (4 марта қуритилганда) 9 та дастгоҳ, яшаш учун 1,1 куб метр ёғоч сарфланади. Дастгоҳларни йиғма шаклида ҳам яшаш мумкин.

Қовун қуритиш пайтида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- қуритиш майдончасини доимо озода ҳолда ушлаш керак;
- стол ва навларни тозаллигини назорат қилиш, зарурат туғилганда уларни ишқорли эритма билан артиб туриш;
- ишчилар қовунни қирқиш, симларга осиб ва барча иш жараёнларида эҳтиёт чораларига амал қилиш юзасидан инструктаж ўтказиш;
- хом ашёни қайта ишлайдиган ва қуритилган тайёр маҳсулотни сақлайдиган омборларни уй

хайвонлари, кемирувчи ва ҳашаротлардан муҳофаза қилиш тадбирларини кўриш;
 -қовун қуритишдан олдин барча зарур асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланиши ва улар ишга яроқли ҳолда бўлиши шарт.

Қовун қоқи тайёрлашда пишиб етилган ва касалланмаган қовуннинг барча нав қовунлари яроқли ҳисобланади. Бироқ этининг зичлик даражасига қараб, уни қирқиш ва қуритишнинг турли усулини танлаш тавсия этилади. Эти зич бўлган «Ичқизил», «Оқ уруғ», «Кўкча», «Гулоби», «Тўқ сариқ» ва бошқа навларни оддий усулда илмоқларда қуритиш мумкин. Юмшоқ этли «Босволди», «Тошлоқи», «Гурбек» нав қовунларини қирқиб, осиш пайтида эти узилиб кетади, шунинг учун улар тозалангандан кейин қирқилиб, сўкчакларга ёйилган ҳолда 2-3 кун давомида дастлаб қуритиш, сўнгра яхши қуриб етилиши учун симларга осиб қўйилади. Об-ҳаво шароити ва қирқилган қовун бўлаклари қалинлигига қараб қуритиш муддати 6-12 кунгача давом этади. Бутун, соғлом қовунлар ажратиб олиниб, улар ювилади ёки хўл латта билан артилади. Ундан кейин тэнг икки бўлакка бўлиниб, уруғи олинади. Кесилган паллалар тилимларга бўлиниб, қалинлиги 3-4 см бўлади ва пўсти тозаланиб, бир жуфт қилиб қуритиш учун осиб қўйилади. Қовунни эти қарсилдоқ навлари («Кўкча», «Ичқизил») тилиб осиш пайтида узилиб кетиши боис уларни аввал сўкчакларга ёйган ҳолда қуритиб, сўлитилади, юмшагандан сўнг рейкалардан фойдаланиш мумкин. Қуритилган тайёр маҳсулотни чиқиш миқдори турли навларда ҳар хил бўлиб, қовун таркибидаги қанд миқдори, уруғга, қовун пўстининг қалинлиги ва этининг чиқишига қараб аниқланади.

Қовуннинг механик усулда текшириш чоғининг таркибий қисмлари турлича эканлиги аниқланди. Шунинг учун қовунни тилиб қуритиш пайтида ҳар хил навлардан турли миқдорда қоқи олинади. «Кўкча», «Босволди» ва «Гурбек» навларидан 4,5-5,4 фоиз қоқи олинади. Бошқа нав қовунларидан эса 7,5-10,7 фоиз маҳсулот тайёрланади. Бир тонна қовун қоқи олиш учун 11,7-15,2 тонна хомашё сарфланади (2-жадвал).

2-жадвал.

Қовунларни механик усулда текшириш ва сўлиган маҳсулотни чиқиш миқдори (фоиз ҳисобида)

Қовун навлари	уруғи	пўсти	эти	сўлиган маҳсулот чиқиши	1т қуритилган маҳсулот учун кетадиган хом ашё, кг
«Кўкча»	6,3	26,0	67,7	5,4	15200
«Тошлоқи»	8,4	24,6	67,0	8,4	1490
«Оқ пар»	3,4	11,6	85,0	8,6	1170

«Ичқизил»	5,3	13,3	81,4	8,8	1216
«Сарик пўчоқ»	4,0	21,0	75,0	8,9	1333 0
«Оқ уруғ»	5,8	13,4	80,8	8,0	1250 0
«Босволди»	9,2	22,9	67,9	4,5	1490 0
«Тўқ сарик гулоби»	4,7	14,3	81,0	8,5	1234 0
«Кўк гулоби»	7,7	20,0	73,3	7,7	1410 0
«Гулоби»	6,2	18,7	75,1	7,5	1330 0
«Нон гўшт»	7,3	13,6	79,1	8,4	1265 0
«Ширин пўчоқ»	7,7	21,5	70,8	10,7	1412 0
«Гурбек»	10,7	21,8	67,3	5,4	1490 0

Ўзбекистонда қуритилган қовун қоқилари таркибида С витамини 15,4-83, 7 мг фоиз атрофида, умумий қанд миқдори 38-75,7 фоизни, қуруқ моддалар эса 76-91,4 фоизни ташкил этади (3-жадвал).

Қуритилган қовуннинг кимёвий таркиби (фоиз ҳисобида)

Қовун навлари	С витамини, мг	Умумий қанд миқдори	Қуруқ моддалар
«Кўкча»	22,35	75,7	81,9
«Тўқ сарик гулоби»	16,4	66,3	91,4
«Гурбек»	21,6	62,3	82,1
«Умир боқи»	15,4	54,3	82,9
«Нон гўшт»	83,7	59,8	86,0
«Кўк гулоби»	39,8	51,4	86,0
«Гулоби»	34,7	49,6	76,0
«Тошлоқи»	78,0	55,8	89,3
«Оллахомма»	72,5	38,4	76,0

Қуритилган масулотнинг тайёрлиги кесилган қовун бўлақларининг ҳолатига қараб аниқланади. Қоқи эгилувчан, кафтда қисилганда, ундан шира оқмаслиги ва таркибидаги намлик 20 фоиздан ортиқ бўлмаслиги шарт. Шунингдек, хомашё қуритиш майдонига навларга ажратилган ҳолда келтирилиши керак. Бу ишга хўжаликнинг уруғчилик ҳосилоти бошчилик қилади.

Қовун этидан фойдаланиш ишларини консерва корхоналарида ҳам ташкил этиш мумкин. Бунинг учун корхонада махсус қуритиш майдончалари бўлиши керак. Қовун қуринадиган майдонча ҳажми ва келтириладиган хомашё миқдорига қараб, иш бир сменада ташкил этилади.

4. Қуритилган қовун маҳсулотини сақлаш.

Қуриган қовунларни сақлашда хонадаги ҳаво ҳарорати ва нисбий намлигини мунтазам равишда кузатиб туриш лозим. Маълумки, қуритилган қовунларнинг сорбсия хусусиятлари кучли. Қоқи ёки майиз сақлашда намликнинг ортиши бир қатор салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Айниқса, микроорганизмлар тез ривожланиб, моғорлайди ва натижада, маҳсулот сифати тушиб кетади. Омборхонадаги термометр ва психрометрлар 1,3-1,5 метр баландликда ўрнатилади. Сақлаш учун қулай ҳарорат 10°C ва нисбий намлик 65-70 фоиз бўлгани маъқул.

Сақлаш хоналарининг сатҳи, шифт ва деворлариқуруқ, мустаҳкам бўлиши керак. Хоналарнинг санитария ҳолатини кузатиш, зараркунанда, ҳашарот, кемирувчиларга қарши курашиш учун ер сатҳи бетонлаштирилгани маъқул. Ҳарорат бир хил бўлиши учун хонанинг шифти иссиқ ўтказмайдиган материаллардан ёпилиши керак. Тайёр қуритилган маҳсулотни қабул қилишдан аввал хоналар оқланиб қурилади. Дераза ойналари сувда эритилган бўр билан оқланиши ва ичкари томондан диаметри 2 мм ли темир тўр билан беркитилиши керак. Маҳсулотларни сақлаш хоналарига жойлашдан олдин сулфит ангидрид ёки хлорпирин билан дезинфекция қилинади. Унинг учун 80 г хлорпирин олиниб, хоналар дудланиб чиқилади ва 36 соатга беркитиб қўйилади. Олтингугурт ҳам шундай ишлатилади. Бу ишларни мутахассислар бажариши лозим. Заҳарли дорилар ишлатиш умуман ман этилади.

Зараркунандаларга қарши кураш. Уларни қуритишдан олдин ёки қуритиш пайтида ҳар хил йўллар билан йўқотиш мумкин. Зараркунанда ўзи ҳалок бўлса ҳам унинг тухуми тирик қолади. Ундан ташқари, хоналар олдинги чиқиндилардан тозаланмаса ҳам

зараркунандаларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Зараркунандаларга қарши курашда, асосан, турли фумигантлар билан дудлатиб, дезинфекция қилиш қўлланилади. Қўлда бўйича сифатли дудланса, зараркунанда ва уларнинг тухумлари тўла ҳалок бўлади.

Энг яхшиси, аланга олмайдиган, фақат аччиқ заҳарли тутун берадиган фумигантлардан сулфит ангидриди, дихлоретанга хлорли углевод қўшилса, яхши ҳисобланади. Бу фумигантларни дудлатиш вақтида ҳаво ҳарорати 10°C - 20°C бўлиши керак.

Агар бу усул ёрдам бермаса, у ҳолда зараркунандаларни йўқо-тиш учун юқори ҳарорат таъсирида (85°C - 95°C) маҳсукуритиш мосламалари билан 10-15 дақиқа ишлов берилади. қурилган маҳсулот юқори ҳароратдаги муҳитда узоқ сақланса, унинг рангқора тусга киради. Юқори намлик оқибатида уларнинг таркибида зараркунандалар кўпайишидан ташқари микроорганизмлар таъсири остида пух бўйлаб, чириш ҳоллари юзага келади. Яхшиқуримаган қовунни узоқ сақлаб бўлмайди, чунки у тезда моғорлайди, натижада, истеъмолликқиймати пасаяди. Ҳаддан ташқариқуриб кетган қовунларнинг ранги хиралашади, таъми бузилади, витаминлари камаёди. Намлиги бир хил бўлиши учун қурилган маҳсулот омборда 10-12 кун сақлаб турилади. Бажарилган муддат ўтгандан кейин қовунлар сифати бўйича навларга ажратилади; турли аралашмалардан тозаланади ва зараркунандалардан муҳофаза қилиш мақсадида идишларга жойланади.

6. Қовун қуришнинг иқтисодий самарадорлиги.

Маълумки мева ва сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш иқтисодий жиҳатдан самарали соҳа ҳисобланади, чунки мева ва сабзавотлар йилнинг муайян мавсумидагина этиштирилади. Халқни мазкур маҳсулотларга бўлган талабини мавсумдан ташқари муддатларда ҳам қондириб туришда эса сақлаш ва бирламчи ишлов бериш омборларининг аҳамияти бекиёсдир.

Маҳсулотларни қайта ишланганда маҳсулот нархи янги мавсум маҳсулотлари пишиб этилгунга қадар муайян ўлчамларда ортиб боради. Бу эса маҳсулотни қайта ишлашни рентабеллигини янада оширади.

Қовунни қуриш билан боғлиқ харажатларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

Қайта ишлаш корхонаси ускуналар амортизасияси харажатлари.

Ускуналарни жорий таъмирлаш харажатлари.

Иш ҳақи харажатлари.

Електр энергияси, ёқилғи ва бошқа материаллар харажатлари.

Ускуналар амортизасияси уларнинг баланс қийматидан фоизларда ҳисоб қилинади.

30 тонна қовунни қуритишда 1. маҳсулотни сотиб олиш баҳоси. Қовун қоқи тайёрлаш учун бизга тоза маҳсулот бўлиши шарт эмас. Бунинг учун эзилган урилганва сақлаш учун ярамайдиган қовунлар олинади.

1. Қуритиш учун 1 кг қовун 500 сўмдан сотиб олинди. $30000 \times 500 = 15000000$

2. Қайта ишлаш харажатлари. Ювиш, қирқиш, қуритиш харажатлари. Ювиш қирқиш, қуритиш харажатлари. 2000000 с бўлди.

3. Маҳсулотни ташиш ва юклаш учун ишчи харажатлари.

Ташиш. 1 фура 200000 с. Ишчи харажатлари 25 та ишчи керак бўлади. $2,5 \times 20000 = 500000$ с.

4. Жами харажат: $15000000 + 2000000 + 200000 + 500000 = 17500000$ с.

5. Қуритишда маҳсулот чиқиши 30 т қовунни “оқ пар” навини қуритганимизда $2,56$ т қуритилган маҳсулот олинади.

6. Маҳсулотни сотиш баҳоси. 10000 с бўлса $2560 \times 8000 = 25600000$ с.

7. ялпи даромад 25600000

8. соф даромад $25600000 - 17500000 = 8100000$ с.

9. Рентабиллик. $25600000 / 17500000 \times 100 = 146.2$

Хулоса.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Қовун асосий полиз маҳсулотларидан бири ҳисобланади. У фақат етилган пайтда истеъмол қилинадиган қийматли бўлиб қолмай, балки қайта ишлангандан кейин ҳам ўзини хуштаъмлигини йўқотмайди. Қовун таркибида глюкоза, фруктоза ва сахароза каби қанд бирикмалари ҳамда кўп миқдорда клетчатка, гемицеллюлоза, пектин ва бошқа моддалар майжуд. Қовун уруғи экишдан ташқари, ундан ёғ олишда, пўстлоғи чорва учун ем сифатида ишлатилади. Ўзбекистон уруғчилик хўжаликларида қовун уруғи олиш учун ҳар йили 15-20 минг тонна маҳсулот сарфланади. Бундай миқдордаги қовунни қайта ишлаш натижасида 1000 тоннадан ортиқ қоқи олиш мумкин. Бу эса хўжаликларнинг қўшимча даромад олишига имкон беради.

Қовун қоқи тайёрлашда пишиб етилган ва касалланмаган қовуннинг барча нав қовунлари яроқли ҳисобланади. Бироқ этининг зичлик даражасига қараб, уни қирқиш ва қуритишнинг турли усулини танлаш тавсия этилади. Эти зич бўлган «Ичқизил», «Оқ уруғ», «Кўкча», «Гулоби», «Тўқ сариқ» ва бошқа навларни оддий усулда илмоқларда қуритиш мумкин. Юмшоқ этли «Босволди», «Тошлоқи», «Гурбек» нав қовунларини қирқиб, олиш пайтида эти узилиб кетади, шунинг учун улар тозалангандан кейин қирқилиб, сўкчакларга ёйилган ҳолда 2-3 кун давомида дастлаб қуритиш, сўнгра яхши қуриб етилиши учун симларга осиб қўйилади. Об-хаво шароити ва қирқилган қовун бўлаклари қалинлигига қараб қуритиш муддати 6-12 кунгача давом этади. Қуритилган қовун олиш учун ундан маҳсулот чиқиши қовун навига ва уни таркибидаги қуруқ модда ва шакар миқдорига боғлиқ. Жумладан қовуннинг «Кўкча» навидан қуруқ маҳсулот чиқиши 5,4 % ни ташкил этиб 1т қуритилган маҳсулот учун кетадиган хом ашё 15200 кг ни ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ҳ. Ч. Бўриев, Р.Ризаев, Мева-узум маҳсулотлари биокимёси ва технологияси. Тошкент, "Меҳнат" 1996 й.
2. Ҳ.Ч.Бўриев, Р.Жўраев, О.Алимов, Мева-сабзавотларни сақлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш. Тошкент, "Меҳнат" 2002 й.
3. А.Расулов, Картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотларини сақлаш. Тошкент, "Меҳнат" 1995 й.
4. Р.Орипов, И.Сулаймонов, Е.Умурзоқов, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Тошкент, "Меҳнат" 1991 й
5. А.Расулов, Сабзавот ва полиз маҳсулотларини сақлаш, Тошкент "Ўзбекистон" 1980 й.